

ЖАҒЛАРНИНГ ФРОНТАЛ СОҲАСИ АЛЬВЕОЛЯР ЎСИҚ АТРОФИЯСИДА ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯ АМАЛИЁТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Мусаев Ш.Ш., Чўлиев О.О.

Ташкент давлат стоматология институти, Ўзбекистон

Муаммонинг долзарблиги. Замонавий стоматологиянинг ютуқларига қарамасдан, адентия жиддий тиббий ва ижтимоий муаммолигича қолмоқда. Бу ўз навбатида тиш қаторлари анатомик яхлитлигини ҳамда чайнов ва нутқ функциялари тиклаш мақсадида ўз вақтида ва оқилона даволашни талаб қилади. Тишларнинг қисман ёки тўлиқ йўқолишини ортопедик даволашнинг энг замонавий усули тиш имплантлари ёрдамида протезлаш бўлиб ҳисобланади ва бу беморлар ҳаёт сифатини тубдан янги даражага кўтариш ва тўлиқ реабилитация қилиш имконини беради. Тиш имплантлари орқали протезлаш учун қўйиладиган талаблардан энг муҳими жағлар алвеоляр суяк тўқимасининг сифат ва миқдор жиҳатдан оптимал даражада мавжудлиги бўлиб, бу даволаш натижаси ва реабилитация самарадорлигини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Суякнинг етарли даражадаги ҳажми нафақат имплантларнинг тўғри жойлашишини таъминлайди, балки суякнинг кейинги қайта тузилишида ҳам муҳим ўрин тутди. Суяк тўқимасининг сифати остеоинтеграция жараёнининг кечишига ва шунга мос равишда тиш имплантларининг функционал ҳолатига таъсир қилади.

Тадқиқот мақсади. Жағларнинг фронтал соҳасидаги альвеоляр ўсиқ атрофияси мавжуд бўлган беморларда дентал имплантация ўтказишни оптималлаштириш ва реабилитация самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот усуллари

1. Ретроспектив таҳлил ўтказиш.
2. Клиник текширув усуллари.
3. Рентгенологик текширувлар
3.1.3D-рентгенография
3.2.Ортопантомография
4. Лазерли доплер флоуметрия

Жағ суяги тукумаларида нуксонлари бўлган беморларда имплантларни жойлаштириш учун мақбул шароитларни яратиш учун юмшоқ ва каттик тўқималарининг ҳажмини ошириш усуллари режалаштириш.

Бу жараёнда каттик тукума яъни атрофияга учраган алвеоляр ўсиқ горизонтал ва вертикал ҳажмини ошириш учун аутотрансплант ва ҳозирда кенг тарқалган аллопластлар (сунъий яратилган материаллар) ёрдамида амалга оширилади. Бунда атрофияланган алвеоляр ўсиқ декортиколизация амалиёти билан биргаликда олиб борилади

Тиш имплантациясининг бир боскичли ва икки боскичли протоколларини куллаш самарадорлигини киёсий баҳолаш утказилади Бир боскичли жаррохлик техникаси тиш ва турли даражадаги атрофия нуксонлари булган беморларни даволашнинг сарамадорли усули эканлиги аникланди

Хулоса.Бизни кузатувимизда булган беморларда имплантация амалиёти 3Вшаблон билан биргаликдаутказганимизда имплантациядан кейин кузатилиши мумкин булган асоратлар камлиги аникланди. Жагларнинг фронтал соха атрофия мавжуд булган беморларда каттик тукима вертикал ва горизантал пластикасида аутосуяк ва суный суяк материаллар бн комбинирланган холда куллаш тукима хажмини колган усулларданда купрок сакланишини кузатдик.

Адабиётлар рўйхати:

1. Арипова, Г., et al. "РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ РАЗЛИЧНЫХ ФОРМ ДИСТАЛЬНОЙ ОККЛЮЗИИ У ОРТОДОНТИЧЕСКИХ ПАЦИЕНТОВ С УЧЕТОМ ТИПА РОСТА ЧЕЛЮСТЕЙ." Медицина и инновации 1.4 (2021): 421-425.
2. Tulyaganov, Dilshat U., et al. "In Vivo Evaluation of 3D-Printed Silica-Based Bioactive Glass Scaffolds for Bone Regeneration." Journal of Functional Biomaterials 13.2 (2022): 74.
3. Шомухамедова, Ф., Д. Сулейманова, and Г. Муротова. "ОЧИҚ ПРИКУСЛИ БЕМОРЛАРНИ ТАШХИСИ ВА УЛАРНИ ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ." Медицина и инновации 1.4 (2021): 442-446.
4. Kovalenko, L. I., et al. "DARST. UND TRENNUNG VON EXO- UND ENDO- 1, 3- DIMETHYL- BICYCLO (2, 2, 1) HEPTAN." Chemischer Informationsdienst. Organische Chemie 1.33 (1970): no-no.
5. АРИПОВА, ГАВХАР ЭРКИНОВНА, and ШАХНОЗА РАСУЛЖАНОВНА РАСУЛОВА. "ПОДХОД К ЛЕЧЕНИЮ ПАЦИЕНТОВ С ДИСТАЛЬНЫМ ПРИКУСОМ С УЧЁТОМ ТИПА РОСТА ЧЕЛЮСТНЫХ КОСТЕЙ." МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко 11.S1 (2022): 414-415.